

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 22-avgust, payshanba № 99 (3292)

Ўshonch

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндalari, шоир ва ёзувчилар тақлиф этилди.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла

Ижодга ундаётган улуг қадрият

намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида Ватанимиз эришган юксак марралар, асрларга татигулик ютуқларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислохотларда ҳамюртларимиз қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадий-ғоявий асарлари билан фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва унги ўтказиш тўғрисида»ги қароридан «Энг улуг, энг азиз» аънавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий

телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида муҳасам этди. Ижодий танловдан кўзланган асосий мақсад «Ис-

лохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ очиб беришдан иборатдир. Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган 321 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қиммати, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жабҳаларда эришган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадий воситалар, ҳаётини мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Ҳайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчининг иши энг яхши деб топилди.

— Аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга насиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбаидир, — дейди «Маърифат» газетаси мухбири Н.Мамбетирзаева. — Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган барча ютуқлар замиридаги асосий омилларнинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, аҳамиятини барчага атрафлича тусунтириш — ижод аҳлининг асосий вазифаси. Бу каби танловлар ана шундай эзгу мақсад йўлида ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдирдилар. Голиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбахо совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
Ўза мухбири,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза)
олган сурат

АНДИЖОН

Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган «Умид» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси Асакадаги автомобилсозлик корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия» русумли автомобиллар учун турли ўлчамдаги деталлар етказиб бермоқда.

БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

Кўрғонтепа туманининг Савай қишлоғи ёшларини иш билан таъминлаган корхонада шу кунгача 157 минг дона бутловчи қисм ишлаб чиқарилди.

Ўз мухбиримиз

НАМАНГАН

Янгиқўрғон туманида яна бир саноат корхонаси фаолият кўрсата бошлади. «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинида қурилган паррандачилик фабрикаси ишга тушди. Уни тadbirkor Обид Ғаниев бошчилигидаги масъулияти чекланган жамият жамоаси барпо этди.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ

— Янги корхонани қуриб битказишда бизга «Агробанк» тумани бўлими катта ёрдам берди, — дейди тadbirkor Обид Ғаниев. — Харажатларнинг асосий қисмини мазкур молия муассасасидан олган кредит ҳисобига қопладик. Ҳозир иккита ишлаб чиқариш биносида 20 000 дона «Ломан Браун» зотли жўжалар парвариш қилинмоқда. Цехлар Хитой ва Венгрияда тайёрланган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Улар паррандачиликка юксак самардорликка эришиш имконини беради.

«Туркистон-пресс»

КАШКАДАРЁ

Қарши шаҳрида «Ёш тadbirkor — калажакка пойдевор», «Ёш тadbirkor — юртга мададор» кўрик-танловларининг вилоят босқичи ўтказилди.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР КЎРИГИ

Унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 58 нафар йигит-қиз қатнашиб, ўз бизнес ғояларини намойиш этди. Голибликни қўлга киритган уч нафар иштирокчи вилоят тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш шарафига муяссар бўлди.

И. ИСОМИДДИНОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

БЕКАЛАРГА КИР ЮВИШ МАШИНАСИ

Истиқлол байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Оролбўйи худудида истиқомат қилувчи йигирмата кам таъминланган оила бекаларига биттадан кир ювиш машинаси совға қилди. Ушбу мақсадлар учун ўн миллион сўм йўналтирилди.

Ортиқбой МАМУТОВ

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Бухоро — Ўзбекистон зийнати, Шарқнинг илм-маърифат маскани, улуг донишмандларга бешик бўлган замин. Истиқлол ушбу қадим маъвоини бугун ўзининг шуқуҳли нурларига буржагандай гўё. Қарга бормайлик, ким билан учрашмайлик, у оддий ишчимни ё дехқон, тadbirkorни ё касба уюшмаси фаоли — бари-барчаси ташаббус кўрсатиб ишлашга, қақроқ ердан дур ундириб, эл ободлиги, юрт фаровонлигига ҳисса қўшишга азму-қарор қилганига гувоҳ бўлдик.

Яхшилик яхшиликка қувват

Бухоро вилояти

— Президентимиз ҳар гал Бухорога таширф буюрганда, уни янада обод этиш бўйича ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган фавқуллодда тақлиф ва ғояларни илгари суради, ғайрат-шижоатли инсонлар дилига олов солади, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, «Эхтиром» нишонини соҳибни Юсуф Қурбанов. — Ҳа, Бухородаги ҳар бир юксалиш ва ўзгаришларда Юртбошимизнинг ташаббуси ҳамда ғамхўрлиги акс этиб турибди.

Шариф шаҳар тимсоллари

— Истиқлол муборак заманимизга янги нафас олиб кирди, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ф. Сафаров. — Авваллари Бухоро деганда кўз ўнгимизда Минораи Калон, Лаби ҳовуз, Арк ва улугвор мадрасаю масжидлар, савдо расталари гавдаланарди. Бухоронинг асрий манзаралари бугун истиқлол яратган буюк бунёдкорлик тимсоллари билан бўйлашмоқда. Қамишу чангалзорлар ўрнида бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи шариф шаҳримизнинг ана шундай янги тимсолларидан биридир. Чор атрофини гўзал фаворалар ўраб турган ушбу монументнинг баландлиги ўн саккиз метрни ташкил этиб, бир юз етти гектарли кенг саҳли боғнинг қоқ ўртасида жойлашган. Унинг икки тарафида қад кўтарган муҳташам театр ва амфитеатр бамисоли узукка қўйилгандек ягона меъморий ансамблини ташкил этган. Монументда акс этган тасвирлар ва барельефли ҳайкаллар моҳиятини ифодаловчи ғояларни мушоҳада этиб кўрсангиз, Бухоронинг шонли ўтмиши ва бугунги жамоли, халқнинг орзу-мақсадларидан ҳикоя қилувчи бамисоли тошга битилган дostonни ўқигандай бўласиз. Шу боис касба уюшма ташкилотлари ўз йўналиши бўйича ушбу гўшага қўллаб-савҳатлар уюштираётир.

(Давоми 2-саҳифада).



Муқоддот муборак!

Байрамларнинг ўзига хос шуқуҳи бор. Айниқса, Мустақиллик тўхталари кўнгилга қувват, руҳга кўтаринкилик бағишлайди. Шу боис ҳар йили истиқлол байрами билан янгидан юксалгандай, юракларимиз кенгайгандай, қудратимиз яшаргандай бўлаверади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голиблари сафида касба уюшма тизимида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ҳам борлиги барчамизни қувонтирди. Кўрик-танловнинг Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сағиндиқ Ниетуллаев «Мустақиллик ҳақида дoston» китоби учун 2-ўрин, Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Ўрмонбекова «Инсонга наф келтириш — оли бaxт» туркум мақолалари учун рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди. Мукофот муборак, азизлар!



Ўзбекистондаги ижтимоий объектларнинг энергия самардорлигини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалардан бири БМТД ГЭФ кўмагида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Наманий вилоятининг Нурота ва Хатирчи туманларида барпо этилган ва қайта таъмирланган мактабларга журналистларнинг медиатური ташкил этилди.

Энергия самарадорлиги


— 2012 йилда мактабимиз БМТ Тараққиёт дастури Глобал экологик фонди ва Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қўшма лойиҳаси доирасида капитал таъмирдан чиқарилди, — дейди Хатирчи туманидаги 35-мактаб директори Муҳаммадмин Хайдаров. — Таъмирдан кейин мактабда 1277 метр квадрат иситилмайдиган майдон, шу жумладан, 23 та синф хонаси фойдаланишга топширилди. Натижанда, ўтган ўқув йилида 35-40 фоз энергияни тежашга эришиш ва харажатларни иқтисод қилдик. Қишги мавсумда синфларда 18 даражадан паст бўлмаган ҳарорат сақланди. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштириши яхшиланди.

Кўнгилларда байрамона қувонч

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами тобора яқинлашаётган айни дамларда Андижон вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида, маҳалла ва гузарларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида турли маданий-маърифий тadbirkorлар бўлиб ўтаётти. Ушбу тadbirkorларда касба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

ЎзКУФК Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси ва ҳомийлигида Марҳамат туманидаги Қорабоғиш қишлоғида «Истиқлол — миллати, тили ва динидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир» мавзусида маданий-маърифий тadbirkor ташкил этилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан Қорабоғиш қишлоғида катта қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ҳайрли юмушга касба уюшма ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Тadbirkorни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапиев очиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдидан турган долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Андижон Давлат университети катта ўқитувчиси Зоҳиджон Ҳайитматов Конституцияимизда белгиланганидек юртимизда миллати, тили, динидан

Абдуҳай ЮСУЛОВ, «Ўshonch» мухбири



(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Айни пайтда вилоятдаги 20 га яқин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Касаба уюшмаларига са-лоҳиятли, фидоий, шижоатли етакчиларни жалб этиш бўйича навбатдаги қадам ташланди. Туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар билан ишлашнинг янги тизими жорий этилди.

Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлик дастурига асосан, барча қуйи ташкилотларга қарорларни юбориш, маълумотларни ўз электрон папкаларида тизимли қабул қилиш дастури ишлаб чиқилди. Натижада, интернет тармоғига уланган 42 та туман ва шаҳар кенгашлари, 380 та бошланғич ташкилот билан бирлашма ўртасида ўзаро электрон ахборот айирбошлаш тизими яратилди.

Сафларимиз янада мустақамланади

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш самараси ўзaroқ 64 та нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган 769 нафар ходим сафимизга жалб этилди. Ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш мақсадида вилоят статистика бошқармасидан олинган маълумот асосида 5 ва ундан ортиқ ходими бўлган нодавлат сектори корхоналари рўйхат тақсими ишлаб чиқилди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2013-2015 йиллар учун тузилган худудий келишувнинг 5.5-бандига асосан мулкчилик шаклидан қатъи назар, томонлар барча юридик шахсларни касаба уюшмаларига аъзоликка жалб қилиш ва шу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мажбуриятини зиммаларига олганлар.

Солиқ органлари маълумоти асосида борзорлар ва уларда муқим савдо ўринларига эга бўлган тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар ва туман кенгашлари томонидан аъзоликка қабул қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Веб-сайт

Касаба уюшма ташкилотлари фаолияти бирлашма кенгаши Веб-сайтда мунтазам равишда ёритиб борилаётган. Ушбу веб-сайт (www.buxorof.uz) га бирлашма кенгашининг раҳбарияти, барча бўлимлари тўғрисида маълумотлар, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотларининг шахсий маълумотномаси ва фаолияти тўғрисида материаллар киритилди. Туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилди.

Веб-сайтнинг Бош саҳифасида «Бирлашма тарихи», «Курултой», «Раёсат», «Функциялар ва вазифалар» саҳифалари ўрин олган. «Бирлашма» саҳифасидаги «Тузилма», «Раҳбарият», «Масъул ташкилотчилар» ва «Ёшлар кенгаши» саҳифаларига тегишли маълумотлар, «Бўлимлар» саҳифасида эса бирлашма кенгаши бўлимлари фаолиятлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилган. «Янгиликлар» саҳифасини очиб, барча турдаги корхона, муассасалар, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолияти билан танишиш мумкин.

Фуқароларни қабул қилиш тартиби, касаба уюшма аъзоларини қизиқтирган масалалар ва вилоят касаба уюшмаси фаолияти тўғрисида сўров билан мурожаат қилмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар билан боғланиш мақсадида бирлашма кенгаши Веб-сайтда махсус савол-жавоб рўқлири ташкил этилди. 2013 йил июл ойида Веб-сайтга маълумотлар жойлаштириш ҳажми 50Мб дан 12 баробарга катталаштирилди. Веб-сайт таркибида электрон почта манзиллари яратилиб, улар орқали электрон ҳужжат алмашиш йўлга қўйилди.

Савоатда ҳикмат кўп

Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1045 нафар фуқаро ҳамда 3151 та оилага 1 млрд. 369 млн. 708 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Жумладан, 2957 нафар кам таъминланган оилалар вақилига 184,4 млн. сўм

моддий ёрдам, 55 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 1 млрд. 37 млн. сўмлик фозисс ссудалар берилди. Олий ўқув юрталарида таҳсил олаётган 61 нафар талаба учун шартнома пулларининг 69,8 млн. сўми қопланди. Бундан ташқари, 139 та кам таъмин-

атилди. Оғзаки ҳуқуқий тарғиботларда 1068 нафар касаба уюшма аъзоси, ёшлар кенгашлари фаоллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотига янги сайланган етакчилар иштирок этди.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг иш берувчилар томонидан ижроси юзасидан жорий йилнинг 6 ойи давомида бўлим



ланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилишга 12,3 млн. сўм, фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача тўлгунга қадар бўлган 440 нафар ёш онага 46,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

264 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 544 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Бунинг учун 20 млн. сўм сарфланди.

Федерация Кенгашининг «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» акцияси доирасида бирлашма кенгаши томонидан 191 нафар ёлғиз кекса ва ногиронга 34,9 млн. сўмлик моддий қўмақ берилди.

«Бандлик» дастури бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда 51 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, 2013 йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича 38 286 та янги иш ўрни яратилиб, 2043 нафар фуқаро квоталаштирилган иш ўринларига жойлаштирилди. Касаба уюшма ташкилотлари бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш туман, шаҳар марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда ўтган даврда 150 та корхона ва ташкилотда 948 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлигини ўрганиш чикди.

Бугунги кунда 734 та корхона ва ташкилотда 4997 нафар касаначи меҳнатидан фойдаланилмоқда, улар билан меҳнат шартномаси тузилган ва иш ҳақи ўз вақтида бериб борилаётган. Барча касаначилар касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларига асосан тегишли имтиёزلардан баҳраманд бўлмоқда.

Касаба уюшма ташкилотлари корхона ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга қўмақлашмоқда. Олиб бориладиган мониторинг натижаларига қўра, 2013 йил 1 июл ҳолатига жами 5 та тармоқ тасарруфидида 2857 та корхона ва ташкилотга ишга қабул қилинган 14925 нафар коллеж битирувчиси ўз иш жойида фаолиятини давом эттирмоқда.

2012-2013 ўқув йилида вилоятда касб-хунар коллежларини 21647 нафар ўқувчи битирди. 2013 йил 19 июл ҳолатига ишлаб чиқариш амалиётига чиққан касб-хунар коллежларининг кам таъминланган 1441 нафар 3-босқич ўқувчиларига республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ҳамда коллежни имтиёзли диплом билан тугатган ва ишга қабул қилинган 27 нафар битирувчига касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қонуни билган қоқилмайди

Бирлашма юридик бўлими томонидан 17 марта ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, 14 марта оғзаки, 2 та ёзма ҳуқуқий тарғибот, яъни тавсиялар ишлаб чиқилиб, касаба уюшма ташкилотларига тарқ-



ходимлари 57 та корхона, ташкилот ва муассасада бўлиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишди. Меҳнат қонунчилиги ва касаба уюшмаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган, кўргазмалли слайдлар орқали эътироф этилган давра суҳбатлари ўтказилиб, ҳуқуқий тарғибот бурчаклари ташкил қилинди.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш борасида барча тармоқ касаба уюшмаларида ҳар ойда «Ҳуқуқий билимлар кўни» жорий қилинган. Вилоят бирлашмасининг «Ишонч телефони» орқали касаба уюшмаси аъзолари ва вилоят меҳнаткашларига меҳнат, фуқаролик қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий масалалар бериб келинмоқда. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотларига 5 та ва шундан юқори органларга 1 та тақдирнома киритилиб, шундан 4 таси қаноатлантирилди. Бирлашма юридик бўлими томонидан 133 та мурожаат ўрганилди. Келиб тушган аризаларни ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ходимларга етказилган 4.890.154 сўм миқдорда маблағлар ундириб берилди.

Ишловчилар меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси юзасидан 22 мартаба судда иштирок этиб, 9 нафар ходим суд орқали, 2 нафар ходим судга қадар бирлашма юридик бўлими аралашуви билан ишга қайта тикланди.

«Ишонч телефони» орқали жорий йилнинг 6 ойи давомида 40 нафар фуқаро бузилган меҳнат ҳуқуқлари юзасидан қилган мурожаатлари бўйича ҳуқуқий масалалар олди. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотларига нисбатан 19 та тақдирнома киритилиб, 16 таси қаноатлантирилди.

Бирлашма юридик бўлими томонидан мурожаатлар билан ишлаш юзасидан 120 нафар фуқародан аризалар келиб тушган бўлиб, шулардан жами 105 таси ижобий ечим топди. 67 та ҳўжалик шартномалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Иш қуролинг саз бўлса...

Меҳнат муҳофазаси бўйича 179 та касаба уюшма қўмитаси фаолияти ўрганилди. Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шартлоларини яратиш, уларни махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, санитария-маиший шартлоларини яхшилаш, жойларда жамоатчилик назоратини жонлантириш бўйича касаба уюшма ва ҳўжалик органларига амалий ёрдам берилди.

Шу билан бирга, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг 1051 та бузилиш ҳолати аниқланди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 1035 банддан иборат 110 та тақдирнома киритилди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан аниқланган 750 та камчилик, қонунлар, қоида ва меъёрларнинг бузилиш ҳолатларига барҳам берилди.

Умид ниҳоллари

Болалар — истиқлолнинг умид қилинларидир. Уларнинг истиқболни учун ниҳоллар ҳар қандай эзгу иш ўз самарасини беражак.

«Касаба уюшмаси — болаларга» акцияси доирасида вилоятда кўплаб хайрли ишлар қилинди. Жумладан, туманларда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Вилоятда болажонларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш ва сўлим оромгоҳларда дам олдириб алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 6500 нафар ўрнига 6550 нафар ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда 10160 нафар ўрнига 10269 нафар бола дам олдирилди. Ушбу мақсадлар учун шаҳар ташқарисидаги 17 та стационар оромгоҳга ижтимоий суғурта маблағидан 202683,6 минг сўм, ҳомийлардан 503720 минг сўм, жами 706403,6 минг сўм, мактаблар қошида ташкил этиладиган 85 та кундузги оромгоҳларга ҳокимият, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 508 млн. сўм сарфланди.

Соғ танда...

— Вилоятда сифат жиҳатдан янги, юксак талабларга жавоб берадиган замонавий давлолаш муассасаларининг мукамал тизими яратилди, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Иброҳим Ходиев. — Бугун 12

манд тадбиркорлар Ш.Фуломов ва М.Фармоновларнинг оилалари шулар жумласидандир.

Шавкат Фуломов ўн тўрт ёшидан ҳаётини қандакорлик билан боғлади. Айни дамда у Бухоро шаҳридаги «Нодир Девонбеги» мадрасасидаги ҳужралардан бирида фаолият юритмоқда. Бу ерда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларга хорижликлар ва шахримиз меҳмонлари ташриф буюришади. Уста ва унинг шоғирлари — укаси Жамшид ва фарзанди Шухратжон ўзлари ясаган маҳсулотларни меҳмонларга кўз-кўз қилишади. Шухратжон ҳали 11 ёшда. Аммо ўз сулоласи йўлини давом эттиришни мақсад қилган. Шавкат яратган маҳсулотлар Американинг Сантафе, Қозғистоннинг Олмаота шаҳарларида, шунингдек, «Асрлар саҳифаси», «Базар арт» фестиваллари, Тошкентда ўтказиб келинаётган туризм кўргазмаларида намойиш этилмоқда.

Мунаввар Фармонова 1995 йилдан бери «Нодир девонбеги» мадрасасида зардўзлик билан шуғулланиб келмоқда. У зардўзликни онаси Муборак опа Салиховадан ўрганган. Ҳозирги кунда укалари Хомид, Бахтиёр, синглиси Зарина, турмуш ўртоғи Абдуғаффор Фармонов, ўғли Миршод билан бирга фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида меҳнат қилмоқда. Мунаввар Фармоновнинг зардўзлик маҳсулотлари Тошкент шаҳридаги Санъат музейи, 1996 йилда Самарқанд, 1997 йилда Олмаотада бўлиб ўтган Урта Осиё хўнарамандлари уюшмаси кўргазмаси, 2001 йилда Америкадаги Ўзбекистон элчихонасида, 2004 йилда Германияда ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилган. «Кўли гўлдир ўзбек аёлини» кўрик-танловда «Энг яхши зардўз» номинациясини қўлга киритган. Ушбу ютуқлар ва кўп йиллик камтарона меҳнати учун у «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Ўз касбининг моҳир усталари нафақат Бухоро, балки жонаҳон Ўзбекистонимизнинг ҳам фахри ҳисобланади. Уларнинг фаолияти жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўлган оилалар фаровонлиги, юртимиз равнақига хизмат қилаётгани шубҳасиз.

Ифтхор

Йўлдамиз...

Кўшда мавжлиби оқаётган Зарафшон дарёси тилла ортан карвонга ўхшайди. Жимирлаб кўзни қамаштиради, асов тўқинларни тўлғониб далалар томон шошилади. Изидан ям-яшил боғ-роғлар, пахтазорлар қолади...

Ҳосилини кўтаролмай ерга эгилган боғлардаги дараклар фарзандига ризқ улашган онадек азиз ва қўнгли яқин. Уфққа чўзилган пахтазорларга боқиб, қувончдан қалбинг мавжлиби кетади.

Бошига оппоқ дуррача боғлаб олган гиждунлик, вобкентлик дехқон аёллар даврасига қўшилиб муздаккина айрон ичамиз. Қўли-қўлига тегмай ҳар тўп гўзага меҳрини бахш этаётган ва аёлларнинг қалб ҳарорати офтоб нурларига қўшилиб, далаларга файз беради. Бундай қайноқ тафтидан юракларга офтоб мўралангандек бўлади...

Киприқларига чанг қўнган, шундоқ дала-сидан меҳмон истиқболига чиққан пешкулик фермер Ёкуб Фаттоев француз йўлгитига ажабий тилда нималарнидир тушунтиради. Нозиктаб французнинг чехраси ёришади. Ҳайрат билан фермерга боқди. Франциялик тадқиқотчи олимнинг қарашларида Она Ўзбекистонга, улуг Ибн Сино авлодларига хорижликларнинг эҳтиромини кўриб бошимиз осмонга етади...

«Ревгар» спорт мажмуасидан кўркам, қоматлари расо бир гуруҳ наққорон қизлар гуркираб касаба уюшмалари ўтказган тадбирдан чиқиб келишади.

Сафаримизга ҳамроҳлик қилган Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Розия Нусратова ифтхор билан сўзлайди:

— Қаранг, Бухоронинг бугунги наққорон қиёфаси худди эртақлардагидек: Зарафшонимиз далаларга ҳаёт бағишлайди. Хирмонлар галлага, омборлар ризқ-рўзга, одамларимиз ниёти эзгуликка туташ, айниқса, ёшларимиз гўзал, соғлом ва баркамол. Буларнинг бари бизнинг бойлигимиз. Уларни асраб-авайлаш, улар учун хизмат қилиш қанчалар фахрли.

Мозий сўмоқларидан елкасига илму маърифат ортиб келаётган она Ватанимизнинг бугуни ва келажига учун фидоийлик кўрсатётган касаба уюшмаси фаолларининг қалб даъватини ич-ичдан ҳис қиламиз...

Саҳифани «Ishonch» муҳбири Амина ҚОДИРОВА тайёрлади



Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

Тадбир қатнашчилари даставвал ғолибликни қўлга киритган ташкилотлар фаолияти ақс этган кўргазмалар билан танишишди. Шундан сўнг «Санъатим сенга, обод юртим!» республика кўрик-танлови вилоят босқичи ғолибларининг ижодий дастурлари намойиш этилди.

Тадбирни кенгаш раиси З.Маҳмадова кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан кейин бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва ролини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. — дея таъкидлади у, жумладан. — Фаолиятни «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федера-

Тизимли ишлар самараси

цияси тизимидаги бошлангич касаба уюшмаси ташкилоти тўрисида намунавий Низом» асосида ташкил қилишга эътибор қўлади. Хусусан, нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этиш соҳасидаги ишлар жалдлашди. Натигада, жорий йилнинг биринчи ярмида нодавлат секторидagi 147 та корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси қўмитаси тузилди, 1416 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Устувор йўналишлардан бўлган ижтимоий шериклики янада кучайтириш мақсадида 6293 га яқин давлат, но-

давлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик битимлари, қўшма чора-тадбирлар имзоланиб, бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилмоқда. Жойларда бошлангич ташкилотлар иштирокида имзоланаётган

жамоа шартномалари мазмуни ва сифатига эътибор йилдан-йилга яхшиланмоқда. Айни вақтда ҳудудда 2206 та жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаати ифода этилмоқда.

Тадбир доирасида ҳар бир тармоқ бўйича вилоят босқичи ғолиблари бўлган бошлангич ташкилотлар раислари томонидан тақдимотлар ўтказилди. УЗКУФК бўлим mudiri P.Самарбеков бошлангич ташкилотлар олдига қўйилган вазифалар ва истиқболли режалар бажарилишини ташкил этиш соҳасида улар фаолияти самарадор-

лигини ошириш юзасидан тавсиялар бериб ўтди.

Шундан сўнг тақдирлаш маросими бошланди. Ҳар бир тармоқдан 1-3-ўрин соҳиблари эълон қилинди. Жумладан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба

шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуғани Хўжаев, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғидан Наманган шаҳар «Сувоқава» давлат унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Исроил Абдуллажонов ғолиблар сафидан ўрин олишди. Шунингдек, «Энг чиройли кўргазма ташкил этган бошлангич ташкилот» номинациясига Уйчи туманидаги «Пахта заводи» бошлангич ташкилоти раиси Зокиржон Бойтўраев, «Касаначилик фаолиятини энг яхши йўлга қўйган бошлангич ташкилот» номинацияси бўйича Чуст туманидан 1-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддас Қурбонбоева ва Учкўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Матлуба Саидова сазовор бўлишди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари тизими бўйича намунали саналган Хатирчи тумани кўпгина соҳаларда пешқадим. Худуддаги бошлангич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида баҳорда ўтказилган минтақавий ўқув-семинар чоғида қайд этилган айрим нуқсонларнинг бартараф этилганини эшитиб, иш олдинлаб бораётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Таклиф ва талаблар эътиборда

Яқинда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ташаббуси билан «Қишлоқхўжалигимё» ҲАЖ Хатирчи тумани филиалида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихорим!» мустақил Ўзбекистон!» мавзуда тадбир ўтказилди. Унда жамоанинг 76 нафар аъзоси билан бирга, яқин ҳудудлардаги бошлангич ташкилотлар етакчилари ҳам қатнашди.


— Бошлангич ташкилотимиз ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш борасида юқори кўрсаткичга эришган жамоалардан саналади, — дейди филиал касабакўм ётақчиси Турдитош Маҳмудов. — Бу даргоҳда ҳар бир берилган таклиф ва талаб эътиборда. Жорий йилнинг ўтган етти ойида ходимларга иш берувчи ҳамда касаба уюшма ташкилотлари томонидан 15 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёш мутахассис Эркин Гулмуродовга 10 млн. сўм фондсиз кредит ажратилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришдан автоматикдан олмоқчи бўлганлар ҳам бундай имтиёздан фойдаланишмоқда. Ҳар йили ўнлаб ходимимиз сыхат-гоҳларда соғлигини тиклашмоқда. Яқинда қўмита аъзолари тавсиси билан Мухаббат Покиевага «Олтинсой» сыхатгоҳида дам олиш учун бепул йўлланма берилди. Байрамларда кам таъминланган, ишда намуна кўрсатганлар моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилапти.

Дарвоқе, иш берувчи Ибодулла Мустафоев ташаббуси билан ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Айни пайтда 29 бош қорамол ва соғин сугирлар парвариланиб, ишчиларга арзон нархдаги гўшт ҳамда сут маҳсулотлари тарқатилмоқда. Шунингдек, ички имконият ва эътибжларни ҳисобга олган ҳолда тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйилди.

М. АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Тавсиялар берилди



Тошкент ахборот технологиялари университетиди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошлангич ташкилотлар етакчиларининг ўқув-семинари ташкил этилди. Унда касаба уюшма мутахассислари ва тармоқ ташкилотларининг ҳудудлардаги вилоят филиаллари касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққан УЗКУФК мутахассислари Дилшод Абдураҳмонов ва Эътиборхон Раҳмонова корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича талабларнинг бажарилиши устидан маъмурий-жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда бошлангич ташкилотларда маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тармоқ Марказий кенгаши бош мутахассиси Гулчехра Фуломова эса бошлангич

ташкилотлар ишини йўлга қўйиш билан боғлиқ долзарб масалаларга эътибор қаратди. Шунингдек, почта ва алоқа тармоғи ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўйи бўғин олдида турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтилди. Касаба уюшма маблағларидан самарали фойдаланиш борасида тушунтириш берилди.

Икки кун давом этган семинарда, шунингдек, мамлакатимизда почта ва алоқа соҳаларида амалга оширилаётган

ислохотларнинг очик-ошкоралигини таъминлашда бошлангич касаба уюшма ташкилотларининг ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Тадбир сўнггида тармоқнинг соҳалар бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмиталари тасарруфидаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Ўзбектелеком» АКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари касаба уюшма қўмиталари раислари билан меҳнат шартномалари имзоланди.

Таклиф ва тавсияларга бой бўлган семинарда иштирокчиларга тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг янги тахрирдаги Устави тарқатилди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, Шавкат МАХАМЕДОВ олган суратлар

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Кўрик-танловнинг вилоят босқичига тақдим қилинган маълумотларни таҳлил қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоат назорати, бошлангич касаба уюшма ташкилотларининг иш берувчилар билан олиб бораётган ҳамкорлиги, ходимларга қўлай меҳнат шaroити яратилиши кабиларга асосий эътибор қаратилди. — дейди комиссия аъзоси Бозорбой Исмаилов. — Тармоқлар кесимида ғолиб корхоналар аниқланиб, совғалар билан тақдирланди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати соҳасида: Марказий Банкнинг Сирдарё вилоят бош бошқармаси, вилоят Фавкуллода вазиятлар бошқарма-

си, ДАТ «Асака банк» Сирдарё вилоят филиали; Таълим, фан ва маданият соҳасида: Гулистон Давлат университети

Инсон азииз...

қошидаги Гулистон 1-академик лицейи, Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-хўнар коллежи, Гулистон тумани 14-умумтаълим мактаби; Агросаноат мажмуи соҳасида: Мирзаҷўл сув иншоотлари ва Дўстлик канали

бошқармаси, «Сирдарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси «Боевўт пахта тозалаш» ОАЖ, Мирзаобод қолромегиорация касб-хўнар коллежи; Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида: «Хабитекс» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Араб қўшма корхонаси, Гулистон шаҳар ободонлаштириш, «Сирдарёгўштсавдо» МЧЖ Қуқаламзорлаштириш ва ирригация бошқармаси; Соғлиқни сақлаш соҳасида: Сирдарё вилоят перинатал маркази, Вилоят реабилитация соғломлаштириш маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкилотлари фаолияти эътироф этилиб, 1-2, 3-ўринларга сазовор бўлишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Ғолиблар — кейинги босқичда

Бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаоллигини ошириш ва аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи ғолиблари аниқланди.

Унда вилоятдаги барча бошлангич ташкилотлар фаолияти ўрганиб чиқилди. Танлов якулига қўра «Андижон ёғ-мой» ОАЖ, Андижон Олимпия захиралари коллежи, Хўжаобод туманидаги 2-умумтаълим мактаби, Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси, Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи касаба уюшма қўмиталари ғолиб деб топилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими mudiri Равшан Самарбеков ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев ғолибларни қутлар экан, бошлангич ташкилотлар олдига турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари ҳам рағбатлантирилди. Агросаноат

мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида «Асакаёғ» ОАЖ, Алоқа тармоғида «Ўзбектелеком» АК вилоят филиали, Таълим, фан ва маданият соҳасида Хўжаобод туманидаги 4-имконияти чекланган болалар ихтисослаштирилган ДТМ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғидан «Фусункор» ишлаб чиқариш жамияти, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси бўйича мудо-фаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Шахрихондаги автомобил мактаби сингари жамоалар бошлангич ташкилотлари биринчи ўринни эгаллаб, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ғолиб бошлангич ташкилотлар республика босқичида иштирок этиш учун ҳозирликни бошлаб юбордилар.

А. ЮНУСОВ

«Энг намунали бошлангич ташкилот» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи ғолиблари аниқланди. — Тармоқ тизимидаги бошлангичлар ўртасида ташкил этилган танловда барча касаба уюшма ташкилотлари иштирок этди, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоятидаги масъул ташкилотчиси Анвар Сувонов. — Ибратли тадбир боис тажриба алмашиш, бир-биридан иш юртиш услубларини ўрганиш, фикрлашиб олишга имкон туғилди. Тармоқ ташкилотлари орасидан муносиблар сараланиб, вилоят босқичига йўлланма берилди.

Илғор тажриба барчага

Бошлангич касаба уюшма ташкилоти бугун қандай бўлиши керак? Танлов иштирокчилари турли воситалар орқали ўзларининг ана шу қирраларини намоён этишга ҳаракат қилдилар. Меҳнат жамоаларида жорий этилган меҳнат хавфсизлигига доир воситалар, фойдаланаётган асбоб-анжомлар кўргазмалари, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Ходимларга яратилган шарт-шaroит, ташкил этилган тадбирлар видеоорликларда ўз ифодасини топди. Албатта, юқори салоҳиятли ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатга доир муносабатлар ҳам, ажратилган маблағ миқдори ҳам салмоқли.

Биргина Оқдарё туманидаги «Янгикўрғон пахта» ОАЖда амалдаги йилнинг ўтган олти ойида ходимларга ёзги ва киши махсус кийим-бош учун 45 млн. сўмдан зиёд маблағ

ажратилган. Кечки сменада ишловчи ходимлар бепул иссиқ овқат билан таъминланиб, маошига энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдориди қўшимча имтиёз жорий этилган. Корхона ишчиларининг 8 нафар олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандларига контракт пуллари тўлаб келинаёттир. Шунингдек, корхона тасарруфидаги тиббиёт шохобасидан дори-дармонлар олиши учун етарлича маблағ ажратиб берилмоқда.

Хайъат қарорига қўра, Агросаноат тизими бошлангич ташкилотлари орасида «Янгикўрғон пахта» ОАЖ бошлангич касаба уюшма ташкилоти фаолияти намунали дея топилди.

Тадбиркорлик субъектлари орасида «ДАКА ТЕХ» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ходимларга иш шaroити яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат муҳофазасини

таъминлаш юзасидан ибратли ишлар қилинмоқда. Ходимлар ва улар оиласи саломатлиги, дам олишини ташкиллаштириш бошлангич касаба уюшма ташкилоти назоратида. Корхона касаба уюшма ташкилоти савдо-ҳаракати билан ўтган феврал 3 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, 2 нафар аёл соғломлаштирилди. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши амалда таъминлаб келинаёттир. Истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари тизими корхоналари ўртасида ушбу корхона бошлангич касаба уюшма ташкилоти ҳар жиҳатдан намунали дея эътироф этилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари тизимида Халқ банки вилоят бўлими, Таълим, фан ва маданият ходимлари бошлангич касаба

уюшмалари орасида Самарқанд шаҳридаги 9-мактаб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасидан Республика шoшилнч-тез тиббий ёрдам марказининг Самарқанд филиали бошлангич касаба уюшма ташкилотлари ғолиб деб то-

пилди. «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошлангич ташкилот» мақомига Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги қўмитаси бошлангич ташкилоти сазовор бўлди. «Энг яхши тақдимот қилган бошлангич ташкилот» дея Пастдарғом туманидаги 39-мактаб бошлангич ташкилоти топилди.

Вилоят ИИБ, 61-мактаб-интернат, СаММИ клиникаси, «Жомбой дон» ОАЖ, Уругўт туманидаги 1-мактаб бошлангич ташкилотлари иккинчи, Самарқанд ҳарбий госпитали, СамҶИ, Каттакўрғон тиббиёт коллежи, Жомбой туманидаги махсус мактаб-интернат бошлангич ташкилотлари учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан рағбатлантирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири



Навоий вилоятининг Нурота туманидаги мрамар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фаридабек-Зафарбек» хусусий корхонасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакат иқтисодий-тининг муҳим таянчи бўлган кичик бизнес ривожига қаратилган эътибор натижасида чекка ҳудудларда ҳам тадбиркорлик тобора ривож топмоқда. Хусусан, вилоятда ўтган олти ой давомида 530 кичик бизнес субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг асосий қисми марказдан олисдаги туман ва қишлоқлар хиссасига тўғри келмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, 39 миллион сўм банк кредити эвазига янги бинодо иш бошлади, — дейди корхона раҳбари Муслим Жянов. — Саҳиз нафар ишчи-ходим бандлиги таъминланган кичик корхонамида қўлай меҳнат шaroити яратилган. Асосан ёшлардан иборат жамоа замонавий дастгоҳ-

лар ёрдамида бир кунда 90-100 квадрат метргача сифатли мрамар тош тайёрламоқда. Жорий йил бошидан буён қарий 86 миллион сўмлик махсулот харидорларга етказиб берилди. Айни кунларда қўшни давлатлар билан тузилган экспорт шартномалари асосида махсулот тайёрланмоқда.

— Нурота ижтимоий-иқтисодий касб-хўнар коллежини тугатиб, шу ерда иш бошладим, — дейди корхона ишчиси Фаалиддин Саидов. — Қўлимда хўнарим бор, тош кесиб устасиман. Устозларимнинг ўғити иши жараёнида қўл келмоқда.

Н. РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири.

Суратда: ишчи Раҳимддин Ҳамроқулов. Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат

Божхона ва имтиёз

Электрон декларациялаш тизими

Сўнги йилларда импорт ўрнини босувчи экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида четдан олиб кириладиган хом ашёлар ва асбоб-ускуналар учун боғжона тўловларида имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддаси, Солиқ кодексининг 211-моддаси ва Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ технология асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари боғжона тўловларидан озод этилди.

Шунингдек, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижроси юзасидан импорт қилинадиган хом ашёлар, технологик асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари учун ҳам шундай имтиёз жорий қилинди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан боғжона тўловларини тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня

миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда амалдаги миқдорлар нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди. Юридик шахслар текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкцияларни ўндириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан товарларни экспорт қилишда тўланадиган боғжона расмийлаштируви йиғимларининг (амалдаги қараганда) ўртача 2 мартабага камайтиришни назарда тутуви янги ставкалари жорий қилинди.

2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари

тўғрисида», 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур Фармонларга қўра, 2012 йил 1 августдан боғжона тўловларини тўлаш йўналишида ҳам қатор қулайликлар яратилди. Хусусан, импорт товарларни расмийлаштиришда боғжона боғжидан преференция қўллаш учун асос бўлган ҳужжат, яъни товарнинг келиб чиқиш мамлакатига доир сертификатини тасдиқлаш тартиби бекор қилинди.

Шунингдек, боғжона расмийлаштируви таомилларини соддалаштириш ва қулайлик яратиш мақсадида 2012 йил 1 августдан бошлаб, товарларнинг расмийлаштируви 3 иш кунини довомида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Жорий йил бошдан бери товарларни электрон декларациялаш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бундан қўзланган мақсад барча учун қулайлик яратишдир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Давлат боғжона қўмитаси ўтказган «Тадбиркорлар томонидан юртимизга олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар ва уларни тез ҳамда қулай шарт-шароитлар асосида экспертизадан ўтказиш: муаммо, ечим ва имтиёзлар» мавзусидаги матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Солиқ идораларида

Ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этолмаймиз. Улар солиққа оид муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасида ишончли ва қулай маълумот айирбошлашни таъминлаб, улар ўртасидаги мулоқотнинг янги шаклини юзага келтирди.

Интерактив хизмат

Ушбу тизимга юридик шахслар учун солиқлар ҳамда бошқа йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш учун лозим бўлган, солиқ ва молиявий ҳисоботлар ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш ва солиқ органларига жўнатиш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот олиш ва солиштирма далолатномасини шакллантириш, ҳужжат юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш бўйича республика режа-графикдан кўчирма олиш каби интерактив хизматлар киритилган. Шунингдек, тизимда жисмоний шахслар учун даромадлар тўғрисидаги декларацияларни электрон кўринишда шакллантириш ва солиқ органларига жўнатиш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот олиш, солиқ тўлови қвтанцияларини тўлдирish ва чоғ этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш бўйича маълумотлар олиш каби хизматлар ҳам жой олган.

Таъкидлаш жоизки, интерактив хизматлар тизимини фойдаланган ҳолда солиқ ҳисоботларини тайёрлаб, интернет тармоғи орқали юборилганда, ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган мантиқий ва арифметик хатоликларнинг олди олинди, уларга ишлов бериш тезкорлиги ортади, ҳисобот шакллари харид қилиш харажатлари, солиқ инспекциясига келиб-кейтиш учун кетадиган вақт тежалди. Бундан ташқари, ҳисоботларни кунинг исталган вақтида солиқ органларига жўнатиш мумкин.

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш, соҳага оид янгиликларни етказиш, уларнинг вақтини тежаш, муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари муносабатининг шаффофлигини таъминлашда 24 дан ортиқ интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, солиқ тўловчиларга яна бир қулайлик бўлиши учун давлат солиқ органлари қатори Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳар бир туман ва шаҳарларда «Молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш бўйича хизмат кўрсатиш пункт»ларини ташкил этдилар. Мазкур хизмат кўрсатиш пунктлари зарур компютер жиҳозлари билан таъминланган.

Б. НИШОНОВ, вилоят ДСБ «Ахборот тизимлари» шўъбаси бошлиғи



Эквадор президенти Рафаэл Корреа мамлакатда босма оммавий ахборот воситаларини таққиллаш бўйича референдум ўтказишни таклиф қилди.

Ҳозирча ноаниқ


Президентнинг фикрича, босма матбуотнинг таққиллини ва даврий нашрларнинг мажбурий тарзда Интернетга кўчирилиши Эквадор экологиясига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ Associated Press'нинг ёзишича, бундай чоралар фақат мухолифат газеталарига нисбатан қўлланилиши мумкин. Президентнинг мақсади қанчалик жиддий эканлиги ҳозирча ноаниқ.

Рафаэл Корреа ва мухолифат нашрлари ўртасидаги низо ўтган ҳафта, президент Амазонка жунглиларида жойлашган «Ясуни» қўриқхонасидаги нефт қондан қазиб олиш ишларини қайта бошлашга рухсат берганидан сўнг юзага келган. Шундан сўнг бир қатор нашрлар қўриқхонадаги қондан нефт қазиб олиш масаласини референдумга қўйишни таклиф этиб чиқшган эди. Корреа ушбу ташаббусни рад этиб, унинг лойиҳаси қўриқхонанинг атиги бир фойз майдонига дахл этилиши маълум қилди.

19 август кунини ўтказилган биржа савдоларида Google'нинг битта акцияси 865,65 долларга, компаниянинг ўзи эса 288 миллиард долларга баҳоланди.

Тўққиз йил ичида

Шундай қилиб, акциялари Nasdaq биржасига қўйилгандан бери Google'нинг капиталлашуви ўн бараварга ўсди. Google биржага 2004 йилнинг 19 августда чиққан эди, ўшанда ҳар бир акцияси 85 доллардан сотилган. Google акцияларининг энг қиммат нархи 2013 йил июлида қайд этилди – 920 доллардан.



Вертикал «сичқонча»

Аммо энди бунинг олди олинган кўринида. Яқинда фойдаланувчиларни бундай муаммолардан халос этадиган «VerticalMouse» деб номланувчи янги манипулятор пайдо бўлди. Унинг асосий хусусияти — вертикал ҳаракатланиши бўлиб, иш пайтидаги асосий юкламани билан тирсакка қўчиради. «VerticalMouse» ва оддий сичқончани ишлатган киши улардаги фарқни дарҳол ҳис этади. Сичқончанинг бешта тугмаси бор. Улар билан қўл тушадиган юкламани бартараф этиш имконини беради. Бундан ташқари, курсорнинг ҳаракатлантириш тезлигини ҳам сошлаш мумкин. Бу эса, айниқса, дизайнерлар учун жуда қулай.

Япония жанубидаги «Сакурадзима» вулкони отилиши натижасида атмосферага 150 минг тоннадан зиёд вулкон кули отилиб чиққан. Кратер устидаги кул булути 5 км. баландликкача кўтарилган бўлиб, бу вулконларни кузатиш тарихидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Японияда вулқон кули

Сейсмологларнинг таъкидлашича, Сакурадзима вулкони фаоллиги аста-секин кучаймоқда. Шу боис маҳаллий аҳоли янги қучли кул отилишларига тайёр туриши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Мазкур вулқон йилга юз мартадан кўп отилади. Унинг фаоллигидан асосан қўшни Кагосима префектураси зарар кўради. Бу ерда Япониядаги ягона Утиноура космодроми жойлашган. Утган йили маҳаллий ҳукумат вулқон отилиши оқибатларини бартараф этиш учун 520 млн. иена (5,3 млн. доллар) сарфлаганди.

Тадқиқотларга қўра, денгиз сатҳи кўтарилганиги сабабли йирик соҳил бўйи мамлакатларидаги сув тошқинларидан етадиган зарар миқдори 2050 йилга бориб йилга 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиши мумкин.

Сув тошқинлари зарари

Жаҳон банкининг катта мутахассиси ва тадқиқот муаллифи Стефан Хейлгарт бу рақамлар башорат эмаслигини ва бу ҳолатнинг олдини олиш учун ҳозирдан чора-тадбирлар кўриш кераклигини айтиди. Экспертлар 136 шаҳардаги сув тошқинидан химоя ҳолатини кўриб чиқиб, унинг 2050 йилга бориб денгиз сатҳи 20 сантиметрга кўтарилганда ёрдам бера олмаслигини айтишди. Сув тошқинидан қарий 31 фойз йўқотишлар АҚШнинг Майами, Янги Орлеан ва Нью-Йорк шаҳарларига тўғри келади. Сув тошқинига қарши чораларга жаҳон миқёсида 50 млрд. АҚШ доллари сарфланса, йўқотишларнинг кўп қисми олдини олиш мумкин.

Интернет ҳабарлари асосида тайёрланди



Тошкент ирригация ва мелiorация институтида барқарор ривожланишга хизмат қилаётган инновацион иxtиrolарга бағишланган илмий-амалий семинар бўлди. Тадбир давомида Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида мамлакатимиз илм-фан муассасалари олимлари ва амалиётчилар ҳамкорлигида ҳаётга таътиқ этилаётган экологик соф технологиялар ярмаркаси намойиш этилди. Дехқончилик, фитомелiorациянинг янги услублари, биогаз олиш технологиялари, каналларни изоляциялаш, томчилатиб сугориш, кичик гидростанциялар қуриш, ўрмонларни асраш, деградацияга учраган ерларда индигофера ўсимлиги етиштиришга оид стендлар ҳам катнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Сарвар ўрмонов (Ўза) олган сурат

Фуқаро муҳофазаси

Инсоният тараққиёт йўлида хизмат қилиб, ўзи хоҳламаган ҳолда табиатга салбий таъсир кўрсатади. Табиат эса бу хатоликларни кечирмайди. Шунинг учун ҳам фавқулодда вазиятлар ҳоҳ у табий, ҳоҳ у техноген бўлсин, доимо кузатув остида бўлади.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг, давлатимиз томонидан аҳоли ҳафсизлигини таъминлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва қабул қилинмоқда. Мазкур ҳуқуқий-мезърий ҳужжатлар мамлакатимизда Фуқаро муҳофазасини ташкил этиш тамойилларини нафақат аниқлаб, балки мустаққамлаб боришга хизмат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда фавқулодда ҳолатлар юзага келганда ҳалокатларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими барпо этилди.

Олдини олган арзал

Хива тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан фуқаро муҳофазасига оид қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида фуқаро муҳофазаси хизматлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Худудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган махсус-тактик ўқув машғулотлари ўтказиб келиняпти. Бундан кузатиладиган асосий мақсад табий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, корхона ва ташкилотлар барқарорлигини ошириш ва ҳалокатлар содир этилмаслигига, етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини жиддий камайтиришга эришишдан иборат.

Жумладан, туманимиздаги «Алпомис», «Райхон», «Камалак», «Қалдирғоч» ва Р.Мадаминов номи болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам олувчиларнинг ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаб уюшмаси Хива туман кенгаши ва тегишли хизматлар билан ҳамкорликда «Еш кутқарувчи» болалар мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий сценарий асосида ўтказилди. Ушбу тадбирларда 505 нафар дам олувчи ва оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи 78 нафар ходим иштирок этди. Болаларнинг сув ҳавзаларида ёлғиз ҳолда, шунингдек, таққилланган жойларда қўмилишига йўл қўймаслик учун оромгоҳ раҳбарлари ва мактаб ўқувчиларини жалб қилган ҳолда «Чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш» мавзусида сўхбатлар ўтказилди ва мазкур мавзуда ишлаб чиқилган эспатмалар тарқатилди.


Табий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва худудларни муҳофазаси қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлашга барча хизматлар ва аҳоли орасида ўзаро ҳамкорликни мустаққамлаш ҳамда куч ва воситаларимизнинг доимий шайлигини таъминлаш эвазига эришишимиз мумкин.

Р. ХУДАЙБЕРГАНОВ, Хива тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Огоҳлик — давр талаби

Сўнги пушаймон...

Интернет орқали ахборотларнинг тарқалиш тезлиги тасаввурга сиймайди даражада ўсди. Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳар бир маълумот туб негизда қандай мақсад ва гоё ётганини моҳиятан англаб олишдир. Яқинда бир курсдошим ҳаётида глобал тармоқлар билан боғлиқ аянчли воқеа юз берди.



Курсдошимиз гап-сўзлари жойида, интизомли, дарсларда фаол катнашиб, ўқитувчиларнинг эътиборига тўшган ҳаракатчан, билимли қиз эди. Кўпчилик дугоналар унга ҳавас қилишарди. Тўйига оз фурсат қолганди. Өхирги пайтларда уни нима жин урди, даб-дурустан дарсларга кеч келадиган, айрим пайтлар сабабсиз дарс қолдирадиган, ўқишга келса ҳам нуқул орқа партада телефон билан машғул бўлиб ўтирадиган бўлди. Баъзи ҳолларда ўзидан-ўзи кулар, баъзида асабийлашарди. Аввалига, биз бу ҳолатни тўй ташвишлари билан боғлиқ бўлса керак, деган ўйга ҳам бордик. Сабабини сўрасак, «Ҳақиқий ҳаёт «одноклассник» да экан», дея жавоб берди. Тўғри тушунишга ва йўл кўрсатишга ҳаракат қилдик. Фойдаси бўлмади. Бир кунни тонг саҳарлаб (талабалар турар жойида яшардик) менинг хонамга

кирди. «Ўртоқ, мени чиқариб килиб расмага тўшириб қўй, қўйлагимнинг ранги бўладими?», деди қўлимга телефонини тутқазиб. Эрталабдан расмини нима қилмоқчи эканини сўрасам, интернетда бир йигит билан танишиб қолибди. Айтишича, у бола бойвачча, машинаси, уй-жойи бор, ақли, бунинг устига, чет элда ўқийтган экан. Курсдошимнинг ҳавойи ўй-хаёллари узоққа чўзилмади. Ҳақиқат аён бўлди. У ҳақиқатда барча маълумотларга эга бўлиб, суратларини йиғиб, алдовлар асосида ўртоғини ўзининг ўрнига учрашувга чиқишга кўндириб, «мана мен» деб кўрсатган, расмларини интернетга тарқатиб юборган орсиз йигит қизнинг ма-

Назокат МАШАРИПОВА

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Ўзбекистон аҳлини ва тармоқ
ходимларини мустақиллигимизнинг
22 йиллиги билан самимий қутлайди.

Юрт тараққиёти йўлидаги ишларингиз ҳамиша
бароридан келсин. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик
ҳамда тинчлик-хотиржамлик ҳеч қачон
Сизларни тарк этмасин!

Реклама
Банк ва миҳоз



Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички бозорни маҳаллий истеъмол моллари билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда, қолаверса, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим кучлардан биридир.

Юртимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор ва имкониятлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигида, албатта, банкларнинг алоҳида ўрни бор. Буни Агробанкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва яқинда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқарувчилар ва кичик бизнес вакилларининг янада жадал фаолият кўрсатишига, экспорт-боб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғининг ошишига туртки бўлмоқда. Мазкур мезъерий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра вилоят Агробанкнинг барча филиаллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматлари кўрсатиш баробарида барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 29 млрд. сўм кредит маблағлари ажратди. Ушбу кредитлар ҳисобига вилоятда 2052 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган давр мобайнида 8,1 млрд. сўм, «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ жорий йилнинг ўтган даврида 4,2 млрд. сўм миқдорда

кредит маблағлари ажратилди.

Банкдан кредит олиб, айтиш пайтда фаолиятини ривожлантираётганлардан бири банкнинг ҳудудий филиали миҳоз «STIROL POLYMER PLAST» хусусий корхонасидир.

— Кундалик ҳаётимизда полиетилен плёнкаларга бўлган талабнинг ошиб бораётганини эътиборга олиб, уни ишлаб чиқаришни режалаштиригандик, — дейди корхона раҳбари Муқаддас Сагаторова. — Банк ҳам бу борадаги бизнес режамизни маъқуллаб, 230 млн.

сўм кредит ажратди. Кредит эвазига технологиялар келтирдик. Муҳими, ишлаб чиқариш ривожлантирилгач, корхонада яна 12 нафар маҳаллий ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Эътиборлики, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришига қўмаклашишда ҳам банк томонидан қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Хусусан, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш ишлари фаоллашди. Айниқса, қишлоқ жойларида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига ундаш, уларга қўмаклашиш мақсадида кенг тармоқли чора-тадбирлар ўтказилиб, ўқув-семинарлари ташкил этилди. Натижада, кўпгина ёшлар кичик бизнес билан шугуллана бошлади. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан келатган битирувчиларга кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари билан қўллаб-қувватланиши ҳар жиҳатдан самарали бўлмоқда. Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 2 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилди. Бунинг натижасида 686 та иш ўрнига асос солинди.

— Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик-

дан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди ёш тадбиркор Бунёд Холбеков. — Айниқса, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар билан таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бундан руҳланиб, бизнес лойиҳамни Агробанкнинг Қўшрабат филиалига топширдим ва тез фурсатда менга 30 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобига «Зиё» кичик корхонасини очдик. Эндилда корхонамизда мрамар плиталари ишлаб чиқарилапти.

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб, оиласи ва жамиятга наф келтираётган аёллар кўпчиликини ташкил этади. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш бўйича жорий йилнинг 7 ойи давомида жами 2,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиб, 356 та иш ўрни яратилди.

— Маҳалламизда тикиш-бичишга қизиқадиган хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун «ASLIDDIN ASIL SHER» хусусий корхонасини ташкил қилгандик, — дейди корхона раҳбари Мунаввара Зокирова. — Ишимизни ривожлантириш учун Агробанкнинг Нарпай филиалидан кўмак сўрадик. Тегишли ҳужжатларимизни топширигач, бизга 120 млн. сўмлик кредит беришди. Бу маблағ ҳисобига зарур жиҳозлар сотиб олиб, маҳалламиз қизларининг 18 нафарини иш билан таъминладик. Айни пайтда тикаётган кийим-кечакларимизга буюртмалар кўп, маҳсулотларимиз анча хариддордир.

Агробанкнинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун ҳам кредит маблағлари ажратилмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортиб, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида қорамолчиликни ривожлантиришга 3 млрд. 24 млн. сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 400 млн. сўм, балиқчиликни ривожлантиришга 93 млн. сўм банк кредитлари йўналтирилди.

Банк жамоаси бундан кейин ҳам тадбиркор ва ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори сифатида аҳоли турмуш фаровонлиги ва юрт ободлигига ҳисса қўиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Гўзал НОРҚАЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Таълим фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши

Келажакимиз эгалари — баркамол авлодни
болага етказишда ғайрат-шижоат
кўрсатаётган мўътабар устозларни, уларнинг
ҳалқкорларини энг улму ва энг аъиз байрам —
Мустақилликнинг 22 йиллиги билан
муқаббат қилдик.

Муборак айёмда Юртимизга тинчлик-омонлик, халқимизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, ёшларимизга камолот, эзгу ишларимиз рўйбга чиқишида ҳамиша омад ёр бўлишига тилакдошимиз.



Тадқиқот

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёс ҳисобланади. Илмининг турли соҳалари билан шуғулланган буюк аждодимиз яратган асарлар ҳали-ҳануз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Меросга ворислик

1999 йилда ташкил этилган Ибн Сино жамоат фонди улғу олим меросини юртимизда ва хорижий давлатларда кенг тарғиб этиш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий-ижтимоий ва гуманитар ташкилотлар ҳамда геронтология марказларини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, бошқа вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратаётган. Аҳамиятисиди, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида аллома асарларининг чуқур ўрганилишига қўмақлаштириш, тиббий, фармацевт соҳасидаги салохиятни илмий-амалий ишлар ва иқтидорли талабалар учун Ибн Сино мукофотини таъсис этиш ишлари ҳам олиб борилаётган. Шунингдек, хорижий олимлар билан алоқалар ўрнатиш, халқаро конференциялар, жумладан, Бухоро шаҳрида Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиш фонднинг асосий вазифаларидандир.

Фонд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фан ва янги технологияларни мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий лойиҳалари — «Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш», «Аҳоли

ўртасида аминокислоталар этишмовчилигини бартараф этишнинг самарали тизимини ва янги манбаларини жорий этиш» инновацион лойиҳаси эса 2013-2014 йилларга мўлжалланган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилояти филиали билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Унга ажратилган маблағ 68 млн. сўм бўлиб, жорий йил учун 34 млн. сўм сарфлаш режалаштирилган. Биринчи яримйилликда 17 млн. сўмдан зиёд иш бажарилди. Ушбу лойиҳа асосида Тошкент вилоятининг Янгийул туманида яшовчи аҳолининг турли қатламлари, яъни ёшлар, кексалар, репродуктив (туғиш) ёшдаги аёлларда махсус саломатлар орқали саломатлик ҳолати, ҳақоний овқатланиш сифати ва аминокислоталар танқислиги ўрганилмоқда. Ҳар иккала лойиҳа мазмуни оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилаётган.

Буюк аллома меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида 25 май кунини Тошкент Тиббиёт академиясида «Ибн Сино деонтологияси» мавзусида ўтказилган анжуманда талабалар ва шифокорларнинг тиббий одоби ҳақида қизиқарли маълумотлар тайёрланди ва замонавий тиббий деонтология фани тамойил-

ларига бағишланган маърузалар тингланди. Кекса одамларни соғломлаштириш ва умрини узайтириш геронтология фани асоси бўлиб, ушбу соҳани ривожлантириш учун 11 май кунини Хива шаҳрида «Буюк алломалар фалсафаси, Хоразм Маъмур академияси ва замонавий геронтология» мавзусида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси билан ҳамкорликда илмий семинар ўтказилди. Семинар якунида геронтология соҳасини ривожлантириш ва илм-фан янгиликларини амалиётга кенг қўллаш тақдирини қабул қилинди. Жорий йилнинг 22-23 ноябр кунлари Ўзбекистон халқ табибати ассоциацияси ва Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида VII Халқаро Ибн Сино ўқишлари анжуманини ўтказиш режалаштирилган. Ҳозирда ушбу анжуманга тайёргарлик, жумладан, мутахассис ва олимларни илмий мақолалар билан қатнашишга жалб этиш, ҳомийлар билан иш олиб бориш ва хорижий олимлар иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Фонд Туркия, Франция, Россия, Украина, Германия каби давлатлар билан анжуман бўйича алоқа ўрнатган. Шунингдек, тиббиёт ўқув юртилари учун инглиз тилида «Касалликлар диагностикаси» CD диски тайёрланди ва ўқув юртиларига ҳада сифатида тақдим этилди. Ҳозирда фонднинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида ҳомийлар ва чет эл ташкилотлари лойиҳалари билан иш олиб боришмоқда.

Ш.ЗОКИРҲУЖАЕВ,
Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси, профессор

«Ситораи Моҳи Хоса санаторийси» масъулияти чекланган жамияти жамоаси



Истикболи порлоқ мамлакатимиз аҳолисини, жумладан, ҳамкасбларимизни улкан шодиёна, энг улғу ва энг азиз байрам —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ билан самимий муборакбод этади.

Ниятлари ҳамиша пок бунёдкор халқимизга доимо мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хуш кайфият, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларига зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!
Инсон учун энг азиз неъмат — саломатликларини мустаҳкамлаш, кўҳна ва ҳамиша навқирон, Шарқ гавҳари деб аталмиш — Бухоромизнинг маълум ва машҳур гўшаларига сайр қилиш истагида бўлган юртдошларимизни санаторийимизга таклиф этамиз!



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги Осийё ўйинларида ўзбек дзюдочилари яна бир жуфт медални қўлга киритди.

КУЧЛИ УЧЛИҚДА

81 кг. вазн тоифасидаги бахсларда ҳамюртимиз Мухриддин Мирзаёров Бирлашган Араб Амирликлари вакили Саиф Алзаабий, қатарлик Фади Тавфиқ, қирғизистонлик Ермек Сариев ва эронлик Имон Никехбалини мағлубиятга учратиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Қизлар ўртасида 63 кг. вазн тоифасида татамига чиққан Турсунпошша Нурметова эса терма жамоамиз ҳисобига бронза медалини қўшиб қўйди.

Дзюдо беллашувлари якунларига кўра, бир олтин, иккитадан кумуш ва бронза, жами бешта медал жамгарган термаимиз умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

ШАХМАТ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида якунланган «Malaysian Chess Festival — 2013» халқаро турнирида ҳамюртимиз Дмитрий Қаюмов бош совринни қўлга киритди.

БОШ СОВРИН — ҲАМЮРТИМИЗДА

ФИДЕ қоидалари асосида швейцарча тизимда 9 турдан иборат бўлган мусобақада халқаро гроссмейстеримиз этти ярим очко тўплади.

Д.Қаюмов турнир давомида индонезиялик Сусанто Буди, вьетнамлик Тат Тханг Данг, Дук Хаи Луу, малайзиялик Бернард Нег, сингапурлик Пенг Конг Чан, филиппинлик Эфрен Багамасбад ҳамда австралиялик Брайн Жонеси мағлубиятга учратди. Сўнгги турда сингапурлик Чо Кви Гиам билан дуранг ўйнади.

КАРАТЭ

Япония пойтахти Токио шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган XI жаҳон чемпионатида тўққиз олтин, саккизтадан кумуш ва бронза, жами йигирма беш медал жамгарган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

ОЛТИНУ КУМУШ БИСЁР

Жаҳон шотокан каратэ-до федерацияси (WSKF) томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан келган спортчилар кумитэ — яккама-якка кураши ва ката — комплекс машқ бажариш бўйича ўзаро куч синашди.

Кумитэ беллашувларида ҳамюртларимиз Ширин Раҳимова, Зулайхо Бобоева, Аҳдам Иброҳимов, Муҳаммадсиддиқ Абдумуталов, Иброҳим Ойназаров, Зиёдулла Ҳасанов, Муҳаммадабдулазиз Ҳўжақулов, Бехруз Чориев ва Закарий Жавдатхўжаев барча рақибларини мағлубиятга учратдилар.

Аҳдам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Тадбир

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида «Муруват» уйлари ўртасида «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Энг яхши энага», «Энг яхши ҳамшира» каби номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

«Энг яхши...»лар танлови

Мақсуд тадбирлардан мақсад — имконияти чекланган болаларимизга меҳр улашиш ҳамда ўз касбига катта меҳр ва масъулият билан ёндашувчи энагаларимизни, тарбиячиларимизни кашф этишдир.

Дастурга мувофиқ, Бухоро «Муруват» ногирон болалар учун интернат уйи ўғил болалари ўртасида футбол, қизлар ўртасида эса югуриш бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Қорақўл «Муруват» ногирон эркаклар учун интернат уйида эса «Энг яхши ошпаз» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда жуфтликлар тўрт шарт бўйича беллашдилар. Унда Бухоро «Муруват» ногирон аёллар учун интернат уйи иштирокчилари жуфтлиги 1-ўринни қўлга киритди.

Бухоро «Муруват» ногирон болалар учун интернат уйида ўтказилган «Энг яхши энага» кўрик-танловида аёллар ва болалар муруват уйлари галиб чиқди. «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови ҳам зўр ушшоқлик билан ўтди.

Сайёра ИМОМОВА,
Бухоро «Муруват» ногирон болалар учун интернат уйи касоба уюшма қўмитаси раиси

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 4 июлдаги 13-/1037-13-сонли хати ва СВОЖДЛКДКД Сурхондарё вилоят Бошқармасининг 2013 йил 18 июлдаги 02/154-13-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳар «Т.Мирзаев» кўчаси 120-«А»уйда сақланаётган, DAEWOO NEXIA русумли, д/р 75/ 228 AAA бўлган, 2007 й и/ч

носоз ҳолатдаги автомашина. Б/ 6 5 620 530 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил 23 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишининг олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунини, 2013 йил 20 сентябр ва 2013 йил 30 сентябр кунини учун, 2013 йил 27 сентябр кунини соат 18:00. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан ту-

зиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини SMM MChJнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИИН 302125729.
Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Ҳўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.
Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Таълим, фан ва маданият ходимлари касоба уюшмаси Тайлоқ туман кенгаши бош ҳисобчиси Беғзод Шамсиевга бобоси, меҳнат фахрийси

Шамси ота
УСМОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov,
Baxtiyor Mahmadiyev,
Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov,
Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yvatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N. Rafiqov
Navbatchi:
U. Ibodinov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Bosilishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00
E-mail: ishonch2012@gmail.com
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.